



2020 у. г. « 17 » октябрь № 606-к Тойлоқ ш. – г. Тайляк

Туман хокимлиги захира ерлари хисобидан Ўрай-Элипок маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дўстиёров Эшпўлот бошлик фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 13 октябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман хокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Ўрай-Элипок маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дўстиёров Эшпўлотга ғаллачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Элипок массиви ердан фойдаланиш харитасининг 50,42к, 37, 38, 36, 184, 195, 196к, 188к, 210к, 51-контурларидан жами 18,90 гектар шундан 17,39 гектар суғориб ҳайдаладиган, 0,90 гектар боғзор, 0,20 гектар сув ҳавза, 0,37 гектар ариқ ва зовурлар, 0,04 гектар йўللاردан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб кўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узоқ муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлари маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов),Ўрай-Элипок маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дўстиёров Эшпўлот бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов) фуқаро Дўстиёров Эшпўлот бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Б.Бабоназаров